

Тарихга назар ташлар эканмиз, тош асридан бошлаб инсонлар турли хил нарсаларни айирбошлаганларининг хоҳиди бўламиз. Бу жараёнда эса вақт ўтгани сайин товарлар хилини кўпайтириб, айирбошлашда воситачи товарга эҳтиёж сезилади. Кейинчалик инсонлар ҳамма нарсаларнинг қийматини воситачи товар орқали баҳолай бошлайдилар. Бу, албатта, одамлар билган биринчи пул эди.

Танга пулларнинг вужудга келиши

Осиё ва Африканинг кўпгина халқларига дастлаб ит тиши, тош, болта, мунчоклар пул вазифасини ўтаган бўлса, йиллар ўтиб булар ўзини окламади. Чунки одамларга узок мудат сакланидиган, қулай ва қимматбаҳо ҳисобланган воситачи товарлар керак эди. Кўп изланишлар натижасида бу муаммо ҳал бўлди – одамлар металлни танладилар. Чунки металлларни бўлақларга ажратиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам улар ўша даврда кўп жой талаб қилмаган ва олиб юриши осон бўлган металл бўлақларини ишлатадилар. Металл пуллар орасида олтин ва қумушнинг кадри юксак бўлган.

Геродот ва Ксенофонтнинг маълумотларига кўра, илк тангалар кичик Осиёнинг Лидия давлати, Мермнад сулоласининг асосчиси Гигес даврида, яъни милoddан аввалги 692-654 йилларда олтин ва қумушнинг табиий қотишмасидан зарб қилинган.

Лидияликлардан сўнг Юнонистоннинг Эгина шаҳрида ҳам тангалар зарб қилина бошланган. Эгиналиклар мустиқил равишда соф қумушдан тангалар зарб қилишган ва унда тошбақа тасвирланган.

Кўп ўтмай Юнонистоннинг барча шаҳарлари, кейинчалик Эрон, Рим, Хитой, Хиндистон каби ўнлаб давлатларда тангалар зарб қилина бошланган.

Вақт ўтиши билан тангалар зарб қилишда уларнинг сифати ва рамзий маънони англатувчи белгиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Тангалар нафакат сиёсий маълумотларни, балки маданият ва санъатга дахлдор муҳим манбаларни ҳам беради. Мисол учун, Афинада зарб этилган бир тангада Акрополдаги Дионис театри тасвирланган. Шу танга билан бу театр Акрополнинг қайси томонида жойлашгани аниқланган.

Айтиш мумкинки, тангаларнинг қириб келиши савдо-сотиқ соҳасини ривожлантирган. **Амир Темур ва Темурийлар тангалари**

170 йил ҳуқумронлик қилиб, жаҳонни титратган Амир Темур Соҳибқирон ва темурийлар даврида юқори сифатли турли хил тангалар зарб этилган. Амир Темур салтанатида кўп сонли мис, қумуш ва олтин тангаларни босиб чиқарувчи 40 дан зиёд зарбхоналари мавжуд бўлган.

Амир Темур тангаларининг реверсида асосан танга чиқарилган жойнинг номи, санаси (сўзлар ёки рақамлар билан), қалима ва тўрт халифа номи, ўчта халқадан иборат бўлган тамга ҳам бўлган. Ўч халқа Соҳибқироннинг “дунёнинг ўч қитъаси” ҳуқмдори эканлигини билдирган. Зарб қилинган тангаларда арабча, форсча, туркча ва мўғулча сўзлар битилган.

Темур ва Темурийлар тангаларида рамзий маънони англатувчи геометрик шакллар борки, уларни меъморий иншоотларда, яъни сарой, мачит, мадраса ва бошқа тарихий ёдгорликларда ҳам қўриш мумкин.

Мирзо Улугбек отаси Шохрух вафотидан кейингина Мовароуннахрнинг ягона

хукмдорига айланади ва ўз номи туширилган қумуш тангаларни чиқаради. Улугбек мис тангалари Бухоро, Карши, Самарканд, Термиз, Шахрисабз, Шохрухия, хатто Андижон шаҳрида ҳам чиқарилган.

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган қўплаб тарихий ёдгорликлар ва қўлёзмалар асрлар давомида бошқалар томонидан ўзгартирилиши мумкин, бироқ тангалардаги ёзув ва тасвирлар асл холича сакланади. Улардан узок ўтмишни ўрганишда аниқ ва муҳим манбаа сифатида кенг фойдаланиш мумкин.

Хидоят Садритдинов тайёрлади